



ISSN 2181-9904
DOI 10.26739/2181-9904

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ
JOURNAL OF AGRO PROCESSING

№1 (2019)

TOSHKENT-2019

Бош мухаррир
Главный редактор
Chief Editor

Сувонов Боймурод Ўралович
техника фанлари номзоди, доцент Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти

"АГРО ПРОЦЕССИНГ" журналі тахририй маслахат кенгаши
редакционный совет журналі "АГРО ПРОЦЕССИНГ"
Editorial Board of the JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Исаев С.Х., қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти;

Бабажанов А.Р., иқтисод фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти;

Сувонов Б.Ў., техника фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти;

Рахмонов Қ.Р., иқтисод фанлари номзоди., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти;

Баратов Р., техника фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти.

Нормуратов И.Т., қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр Университети доценти;

Худайқулов Ж.Б., қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр Университети доценти;

Каримов М.У., қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр Университети доценти;

Соатов Ў.Р., қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр Университети профессори

Анорбоев А.Р., қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр Университети доценти;

Юлдашев Я.Х., қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., Тошкент Давлат Аграр Университети доценти.

Journal of Agro Processing Volume 1, Issue 1, 2019

Контакт редакций журналів. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6,
улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

SO'Z BOSHI

Mammuniyat bilan "Journal of Agro Processing" ilmiy elektron jurnalining 1-soni ishga tushganini ma'lum qilamiz. Yurtimizda ulkan islohatlar davri hukm surayotgan vaqtda, "Journal of Agro Processing" ilmiy elektron jurnali - qishloq xo'jaligini rivojlanishiga xizmat qiladi. Jurnalning ixtisoslashuvi - qishloq xo'jaligi fanlari.

Elektron jurnalda chop etiladigan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar jahon andozalari hamda O'zbekiston Respublikasida amal qilayotgan PhD tadqiqotlari tizimidagi andozalardan kelib chiqadi yo'nalishlari. Jurnalda qishloq xo'jaligini muhim masalalari, ya'ni, umumiy dehqonchilik, paxtachilik, melioratsiya va sug'orma dehqonchilik, agrokimyo, tuproqshunoslik, mevachilik va uzumchilik, sabzavotchilik, o'simlikshunoslik, yer resurslaridan samarali foydalanish va boshqarish, yer tuzish, kadastr va yer monitoringi, sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash va suv resurslaridan samarali foydalanish muammolari, qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish, zootexniya, o'rmon xo'jaligi tarmoqlariga oid dolzarb masalalar ustida olib borilgan ilmiy tadqiqot natijalari, milliy va xorijiy mualliflarning zamonaviy qishloq xo'jaligi yutuqlari, innovatsion g'oyalari va istiqbollari borasida ilmiy maqolalar e'lon qilinadi.

Barcha ilm ahlini ilmiy jamoamizga chorlab qolamiz! O'z ilmiy ish natijalaringsizni www.tadqiqot.uz sayti orqali ommaga ma'lim qiling! Biz bundan mamnun bo'lamiz!

ПРЕДИСЛОВИЕ

Мы рады сообщить о запуске 1-го номера Научного электронного журнала Журнала "Агро Процессинг". В эпоху массовой реформы в нашей стране Научный электронный журнал "Агро Процессинг" служит развитию сельского хозяйства. Специализация журнала - Сельскохозяйственные науки.

Основными требованиями, предъявляемыми к научным статьям, публикуемым в электронном журнале, являются тенденции, вытекающие из мировых стандартов и моделей исследований PhD в Республике Узбекистан.

Журнал освещает такие важные вопросы сельского хозяйства, как общее сельское хозяйство, хлопководство, мелиорация и орошаемое земледелие, агрохимия, почвоведение, выращивание фруктов и овощей, овощеводство, растениеводство, эффективное использование и управление земельными ресурсами, местоположение, кадастр и результаты исследований по актуальным вопросам мониторинга земель, мелиорации и проблемам эффективного использования водных ресурсов, механизации сельского хозяйства, зоотехники, лесного хозяйства, современных отечественных и зарубежных авторов " научные статьи о законодательных достижениях, инновационных идеях и перспективах.

Мы приглашаем всех в наше научное сообщество! Узнайте о результатах вашего исследования на www.tadqiqot.uz!

FOREWORD

We are pleased to announce the launch of the 1st issue of Scientific Electronic Journal of Journal of Agro Processing. At the time of the era of mass reform in our country, the Scientific Electronic Journal of Journal of Agro Processing serves the development of agriculture. Specialization of the Journal - Agricultural Sciences.

The main requirements to the scientific articles published in an electronic journal are the trends derived from the world standards and the patterns of PhD researches in the Republic of Uzbekistan. The magazine deals with important issues of agriculture such as general agriculture, cotton growing, land reclamation and irrigated agriculture, agrochemistry, soil science, fruit and vegetable growing, vegetable growing, plant growing, effective use and management of land resources, location, cadastre and the results of the research on current issues of land monitoring, land reclamation and problems of efficient use of water resources, agriculture mechanization, zootechnics, forestry sectors, modern national and foreign authors' scientific articles on legislative achievements, innovative ideas and prospects.

We invite all the people of knowledge to our scientific community! Find out about the results of your research at www.tadqiqot.uz! We are glad to hear this!

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

ШЎР ЮВИШ МЕЪЁРИ, СОНИ ВА ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛАШ

Генжемуратов Сайлаубай

Катта ўқитувчи, "Мелиорация ва сув хўжалиги" кафедраси
Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Генжемуратов Абдиқадир Сайлаубаевич

Магистрант, "Гидромелиорация" мутахассислиги

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти

E-mail: abdiqadir.genjemuratov@mail.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Генжемуратов Сайлаубай, Генжемуратов Абдиқадир. ШЎР ЮВИШ МЕЪЁРИ, СОНИ ВА ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛАШ. Journal of Agro processing. 2019, vol. 1, issue 1, pp. 4-8



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2019-1-1>

*Келиб тушган сана 30 декабр, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2019.*

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси туманларидаги сугориладиган шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш буйича шўр ювиш жарёнининг 1-чи босқичида - тупроқнинг ҳисобий қатламидаги мавжуд намликни чегаравий дала нам сигимига етказишга сарфланган сув микдорини, 2-чи босқичида эса эриган тузларни сиқиб чиқаришга сарфланган сув ҳажмини қандай миқдорларда далага бериш тартиби тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: тупроқ, шўр ювиш, шўр ювиш меъёри, шўр ювиш сони, шўр ювиш тартиби, намлик.

НАЗНАЧЕНИЯ НОРМЫ, ЧИСЛА И ПОРЯДОК ПРОМЫВКИ

Генжемуратов Сайлаубай

Старший преподаватель, кафедра "Мелиорация и водное хозяйство"

Нукусский филиал Ташкентского государственного аграрного университета

Генжемуратов Абдиқадир Сайлаубаевич

Магистрант, специальность "Гидромелиорация"

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

E-mail: abdiqadir.genjemuratov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В статье приводятся расчеты величины промывной нормы подаваемые на засоленные почвы в два этапа: на первом этапе подсчет объема воды, необходимого для доведения влажности расчетного слоя почвы до предельно-полевой влагоемкости, на втором этапе - объема воды, расходуемого для вытеснения растворенных солей из корнеобитаемого слоя и число промывок, а также порядок

подачи разовой промывной нормы на промываемых орошаемых землях районов Республики Каракалпакстан.

Ключевые слова: почва, промывка соевым раствором, норма промывки соевым раствором, количество промывок соевым раствором, процедура промывки солью, влажность.

APPOINTMENTS OF NORM, NUMBER AND PROCEDURE OF LEACHING

Genjemuratov Saylaubay

Senior teacher, "Melioration and water management" department,
Nukus branch of the Tashkent State Agrarian University,

Genjemuratov Abdikadir Saylaubaevich

Master student, "Hydromelioration" speciality,
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,

Email id: abdikadir.genjemuratov@mail.ru

ANNOTATION

The article provides calculations of the magnitude of the flushing norm supplied to saline soils in two stages: at the first stage, the calculation of the volume of water needed to bring the moisture of the calculated soil layer to the maximum field moisture capacity, at the second stage - the volume of water consumed to displace the dissolved salts from the root layer and the number of leaching, as well as the procedure for submitting a one-time leaching rate to the irrigated lands being leached in the districts of the Republic of Karakalpakstan.

Key words: soil, saline washing, saline washing norm, number of saline washings, salt washing procedure, humidity.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013-йил 19-апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1958-сонли қарорини ижросини бажарилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 2013-2017 йилларга мўлжалланган мелиорация тадбирлари дастури ишлаб чиқилиб, бу даврда мелиорация тармоқларини эксплуатация қилиш сифатини яхшилаш, сувдан оқилона ва тежамли фойдаланиш бўйича ишлар амалга оширилиб, натижада қишлоқ хўжалигида ўтказилган тадбирларнинг самарадорлиги ошишига эришилди.

Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси бўйича умумий сугориладиган ер майдони Республика ер ресурслари давлат кадастр бошқармасининг маълумотига асосан 2018 йил 1 январ ҳолатига 510,56 минг гектарни ташкил қилиб, шундан шўрланмаган майдонлар 159,45 минг гектарни (31%), кам шўрланган майдонлар 160,62 минг гектарни (31%), ўртача шўрланган майдонлар 168,51 минг гектарни (33%) ва кучли шўрланган майдонлар 21,98 минг гектарни (4%) ташкил қилади [1].

Муҳим агроиқтисодий ва экологик муаммолардан бири тупроқ шўрланишига қарши кураш ҳисобланади. Шўр ерларни тўғри мелиорация қилмаслик имкон бўлган агроиқтисодий самарадорликни таъминлаш олмайди ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун умуман яроқсиз ҳолга келади. Тупроқнинг шўрланишини олдини олиш ва шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш - муҳим технологик ва экологик вазифадир.

Шўр ювиш 1,5 м қалинликдаги тупроқда туз миқдори 0,3% дан кам бўлмаган шароитда ўтказилади. Шўр ювиш жараёнида сув тупроқ орасидан ўтади, тузларни эритиб, грунт сувларини тўлдиради. Грунт сувларининг оқиб кетиши учун худудтабий зовурланган ёки сунъий дренажлар билан таъминланган бўлиши керак.

Дренажсиз тупроқ шўрини ювиш қуйидаги ҳолатларда мумкин: грунт сувларичуқурликда жойлашганда ҳамда ер юзасидан 1,5...2,0 м чуқурликда қум ва галечникбўлганда; грунт сувларининг оқими етарлича таъминланганда [2]. Сунъий дренаж билан шўр ювиш қуйидаги ҳолатларда ўтказилади: минераллашган грунт сувлари ер юзасига яқин жойлашганда (2...3 м) ва табиий оқимтаъминланганда; тупроқлар кам сув ўтказунчанликка (<0.0013 м/мин) эга бўлганда ёки урта ва кучли шўрланганда ($>1.0\%$).

Шўр ювиш жараёни грунт сувлари чуқур жойлашганда ва буғланиш энг кам миқдордабўлганда ўтказилади (кузги- кишки давр). Шўр ювишга ажратилган майдонлар яхшилаб текисланади, чуқур ҳайдалади, барона қиланилади, чеклар олинади ва муваққат тармоқлар ўтказилади. Тупроқ қатламининг 1,5м қалинлигида шўр ювиш меъёри қийматини А.Н.Костяков формуласидан фойдаланиб аниқланади.

$$N_{ш,ю} = 100\alpha h; \text{ м}^3/\text{га}$$

бу ерда: α -тупроқнинг ҳажмий оғирлиги , т/м³;

h-шўри ювиладиган тупроқ қалинлиги , м;

$\beta_{чднс}$ -тупроқнинг чегаравий дала нам сифими, тупроқ массасига нисбатан % ҳисобида;

β_0 -тупроқнинг шўр ювишдан олдинги намлиги, тупроқ массасига нисбатан % ҳисобида;

K_s -1м³ шўр ювишга берилган сувнинг тузларни ювиш ёки сиқиб чиқариш коэффиценти (0,005...0,015);

S_1 ва S_2 –тупроқдаги тузларнинг шўр ювишгача ва йўл қўйилган миқдорлари ,оғирликка нисбатан % ҳисобида.

2017-йил кузги тупроқ шўрланишини таҳлил қилиш мақсадида Амударё, Нукус, Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Муйноқ ва Тахтақўпир туманларининг жами 202,40 минг гектар экин майдонларидан тупроқ намуналари олинди, шўрланиш даражаси аниқланди. Айниқса, ўрта ва кучли шўрланган майдонлар Амударё, Қораўзак, Муйноқ ва Тахтақўпир туманларида кўпроқ учрайди. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича сизот сувларининг ўртача сув сатҳи 2017 йилда 2,11 м бўлиб, олдинги йилга нисбатан 1 см га , вегетация даврида эса, ўтган йилги қўрсаткичга нисбатан 8 см га кўтарилган. Сизот сувларнинг йил давомида кузатилган энг юқори сатҳи август ойида 1,93 м , апрел ойида 1,96 м оралиғида, энг паст сатҳ ноябрда 2,34 м, декабрда 2,33 м бўлгани кузатилди. Туманлардаги сизот сувларнинг минералланиш даражаси 1 апрелда ўртача 2,49г/л бўлган бўлса, 1 июлда 2,857 г/л, 1 октябрда 2,463 г/л ни ташкил қилди [1].

Сизот сувлари ва зовур дренаж оқимини асосий тўйинтирувчи манбаа, хўжаликчи ва хўжаликлараро каналларидан филтрацияга, эксплуатацион ташламаларга йўқолган сувлар ҳисобланади. Бу сувларни шўр ювишнинг 1-босқичида фойдаланиш мумкин, чунки тупроқ эритмасининг концентрацияси шўр ювишга берилган минераллашган сув концентрациясидан юқори бўлади.

Умумий шўр ювиш меъёри 2 босқичдан иборат: тупрокдаги тузларни эритишга яънихисобий қатламдаги тупроқ мавжуд намлигини чегаравий дала нам сиғимига етказишга сарфланадиган ва эриган тузларни ташкил жойлашган қатламдан сиқиб чиқаришга сарфланган сув ҳажмидан ташкил топади. Тупроқнинг хисобий қатламидаги мавжуд намлигини чегаравий дала нам сиғимига етказишга сарфланган сув миқдори қуйидагича аниқланади:

$$N_1 = 100ah (\beta_{\text{чднс}} - \beta_0); \text{ м}^3/\text{га}$$

Эриган тузларни сиқиб чиқаришга сарфланган сув ҳажми қуйидагича бўлади;

$$N_2 = N_{\text{ш.ю}} - N_1; \text{ м}^3/\text{га}$$

Шўр ювишлар сонини аниқлаймиз:

$$n = \frac{N}{N_{\text{net}}}$$

$n = 7,8$; марта

бу ерда: n^{net} – шўр ювишга 1 марта бериладиган меъёр (енгил тупроқлар учун 700...800 м³/га, ўрта тупроқлар учун 900...1000 м³/га, оғир тупроқлар учун 1100...1500 м³/га).

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, шўр ювишнинг бошида n^{net} дан кам меъёр берилади, охиригиси эса ўртача меъёрдан кўп берилганда шўр ювиш самарали ўтади.

Амударё туманининг кучли шўрланган ўрта қумоқ суғориладиган ерларида шўр ювиш меъёрини аниқлаймиз:

$$[1,2 - 0,3]/0,015]$$

$$N_{\text{ш.ю}} = 100 \cdot 1,3 \cdot 1 \cdot [(20 - 12) + (= 8840 \text{ м}^3/\text{га}$$

бу ерда: $\alpha = 1,3 \text{ т/м}^3$ - тупроқнинг ҳажмий оғирлиги (ўрта қумоқ тупроқларда);

$h = 1 \text{ м}$ - шўри ювиладиган тупроқ қалинлиги;

$\beta_{\text{чднс}} = 20\%$ - ўрта қумоқ тупроқнинг чегаравий дала нам сиғими [3];

$\beta_0 = 12\%$ - тупроқнинг шўр ювишдан олдинги намлиги;

$K_s = 0,015 - 1 \text{ м}^3$ шўр ювишга берилган сувнинг тузларни ювиш ёки сиқиб чиқариш коэффициентини (0,005...0,015);

$S_1 = 1,2\%$ - тупроқдаги шўр ювишдан олдинги туз миқдори; %;

$S_2 = 0,3\%$ - тупроқдаги тузларнинг йўл қўйилган миқдори; %.

Тупроқни чегаравий дала нам сиғимигача туйинтириш учун сарфланадиган сув ҳажмини аниқлаймиз:

$$N_1 = 100 \cdot 1,3 \cdot 1 \cdot (20 - 12) = 1040 \text{ м}^3/\text{га}$$

Эриган тузларни сиқиб чиқаришга сарфланадиган сув ҳажмини аниқлаймиз:

$$N_2 = 8840 - 1040 = 7800 \text{ м}^3/\text{га}$$

Шўр ювишлар сони:

$$n = 7,8 = 8 \text{ марта}$$

Шўр ювиш тартиби қуйидагича бўлади:

Аввало тупроқни тўйинтириш учун далага ҳисобий 1040 м³/га сув берилади, 2...3суткадан кейин тупроқдаги туз эритмасини сиқиб чиқариш учун бериладиган меъёр (7800м³/га) 8 маротаба бўлиб берилади: 1-марта-700 м³/га, 2-800 м³/га, 3—900 м³/га, 4-1000м³/га, 5-1000 м³/га, 6-1100 м³/га, 7-1100 м³/га, 8-1200 м³/га.

Хулоса қилиб айтганда шўр ювиш учун ҳосил қилинган чекларга сув икки босқичда берилади. Биринчи босқичда тупроқ намлигини чегаравий дала нам сигимиғача тўйинтириш учун сув берилади. Шундай ҳолатда чек бирнеча суткага, яъни берилган сув тузларни тулиқ эритгунга қадар қолдирилади. Бу муддат енгил тупроқлар учун 1...2, урта тупроқларда - 2...3, оғиртупроқларда – 3...5 суткани ташкил қилади. Иккинчи босқичда тупроқ қатламидаги туз эритмасини сиқиб чиқариш учун сув бирнеча марта токи, тупроқдаги туз миқдори йўл қўйилган чегаравий миқдорига етгунга қадар берилади. Шўр ювиш ишлари тугагандан кейин сизот сувлар сатқи ер юзасидан 0,5м дан пастда, дала ишлари бошланганда эса 1,5...2,0м чуқурликда жойлашиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қорақалпоғистон Республикаси Мелиоратив экспедициясининг 2017 йил техник ҳисоботи. 2018 й.
2. А.Ф. Тимофеев. Мелиорация сельскохозяйственных земель. - Москва.; Колос, 1982 й. -Б. 92-93.
3. Ф.М. Рахимбаев ва бошқалар. Практические занятия по сельско-хозяйственным гидротехническим мелиорациям. - Тошкент., Мехнат, 1991 й. -Б. 103-104.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ
JOURNAL OF AGRO PROCESSING

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ САМАРАСИ ВА УНИНГ ТУПРОҚ ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Азизов Шохрух Нўмонжон ўғли

Ассистент, "Ирригация ва мелиорация" кафедраси

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

E-mail: azizov_shohrux@mail.ru

Бобоқулова Феруза

Талаба, "Сув хўжалиги ва мелиорация" йўналиши

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Исроилова Мехрангез

Талаба, "Сув хўжалиги ва мелиорация" йўналиши

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Рожаббаева Гуласал

Талаба, "Сув хўжалиги ва мелиорация" йўналиши

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Азизов Шохрух, Бобоқулова Феруза, Исроилова Мехрангез, Рожаббаева Гуласал. ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ САМАРАСИ ВА УНИНГ ТУПРОҚ ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ. Journal of Agro processing. 2019, vol. 1, issue 1, pp. 9-15



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2019-1-2>

Келиб тушган сана 25 декабр, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2019.

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатга олиб кириладиган томчилатиб суғориш тизимларини божхона тўловларидан озод этиш муддатини узайтирди.

Томчилатиб суғориш тизими суғориш усуллари орасида энг ресурс тежамкор ва фойдали хисобланади. Ҳозирда Республикаимизнинг аксарият қисмида қўлланилиб келинаётган суғоришнинг эгитлаб суғориш усулидан кўра фойдали ва самаралидир. Бу усулда ерни суғориш вақтида экинларни бир текисда намланиши, уларга бериладиган озуқа ҳар бир экинга бир хил тақсимланиши ва сув ресурсларини тежашга эришилади.

Калит сўзлар: сув таъминоти, томчилатиб суғориш, самара, тупроқ, қувурлар, илдиш.

ЭФФИКТИВНОСТЬ ВЛИЯНИЕ ТЕХНОЛОГИИ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА СВОЙСТВА ПОЧВЫ

Азизов Шохрух Нуьмонжон угли

Ассистент, кафедра "Ирригация и мелиорация"

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

E-mail: azizov_shohrux@mail.ru

Бобокулова Феруза

Студентка, направление "Водное хозяйство и мелиорация"

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Исраилова Мехрангез

Студентка, направление "Водное хозяйство и мелиорация"

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Ражаббаева Гуласал

Студентка, направление "Водное хозяйство и мелиорация"

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

АННОТАЦИЯ

Правительство Республики Узбекистан продлило срок освобождения от в налог ирригационных систем, ввозимых в страну.

Система капельного орошения является одним из наиболее экономичных и выгодных способов орошения. В настоящее время он более выгоден и эффективен, чем метод полива, который используется в большей части республики. Этот метод обеспечивает равномерное орошение сельскохозяйственных культур во время полива, распределение кормов для каждого из них, а также экономии водных ресурсов.

Ключевые слова: водоснабжение, капельного орошения, эффективно, почва, трубы, корни.

EFFECT OF DRIP IRRIGATION TECHNOLOGY AND ITS IMPACT ON SOIL PROPERTIES

Azizov Shohrux Numonjon ugli

Assistant, "Irrigation and melioration " departament,

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,

Email id: azizov_shohrux@mail.ru

Bobokulova Feruza

Student, "Water management and melioration" direction,

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,

Isroilova Mehrangez

Student, "Water management and melioration" direction,

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,

Rojabbaeva Gulasal

Student, "Water management and melioration" direction,

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

ANNOTATION

The Government of the Republic of Uzbekistan has extended the period for of taxfrom drip irrigation systems imported to the country.

The drip irrigation system is one of the most resource-saving and profitable ways to irrigate. It is now more profitable and efficient than the irrigation method that is used in most of the Republic. This method ensures uniform irrigation of crops during irrigation, their distribution to the same amount of seeds and saving water resources


Key words: water supply, drip irrigation, efficient, soil, tubes, root

Томчилатиб сугоришда сугориш суви қувурлар орқали ўтиб, махсус томизгичлардан ўта кичик оқим ёки томчи кўринишида тупроқ устидан ўсимликларнинг илдиз қатламига узатилади. Бу усулда сугориш суви бир текисда тақсимланади. Томчилатиб сугоришда ўсимликнинг илдиз тизими бошқа сугориш усуллариغا нисбатан яхши ривожланади.

Айтиш жоизки, томчилатиб сугориш тизимини қуриш учун сув насоси, фильтр ҳовуз-гиндиргич, ўғитловчи мослама, магистрал ва тарқатувчи қувурлар, сугориш шланглари, томизгичлар, ёрдамчи ва уловчи қисмлар керак бўлади. Бунга қурилиш ишлари ва лойиҳани тузиш харажатлари киритилади. 2016-2017 йилларда ўтказилган тадқиқотларга асосан, 1 гектар майдонга томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш учун ўртача 10-12 млн сўм атрофида маблағ сарфланади.

Томчилатиб сугориш системасининг ишлаш механизми.

Томчилатиб сугориш системасига: сугориш манбаи, бош иншоот, ерни намиқтириш учун қурилма томчилатгичи бўлган тақсимлагич трубопроводлар ва намлагичлар киради. Сув бош иншоотдан диаметри 50 мм. ли полиэтилен тақсимлагич трубопроводларга берилади, улар у ерда 0,5 м чуқурликда қўйилади, бу эса сугориладиган участкаларда ерга ишлов беришда уларни зарарланишдан сақлайди. Тақсимлагич трубопроводлардан кетувчи намлагичлар ҳар қайси ғатор бўйлаб тупроқ юзасида ёки ерда 15 см чуқурликда қўйилади. Юза жойлаштириш уларни ростлаш ва алмаштириш имконини беради. Намлагичлар диаметри 16-25 мм ли полиэтилендан тайёрланади. Битта дарахтга 2-3 та томчилатгич ўрнатилади. Унинг роли шундан иборатки, сув босимини пасайтириб нолга яқин келтиради ва сув томчилари кучсиз оқим ҳосил қилиб ерга тушади. Тақсимлагич трубопроводлардаги сув сарфини ВК-50 маркали сув ўлчатгич ёрдамида, ҳар қайси дарахтга келадиган сув эса, томчилатгичларнинг сув сарфига қараб белгиланади. Сугоришдаги асосий шароит-намлагич узунаси бўйлаб сув беришни таъминлаш. Бу томчилатгичларни ростлаш йўли билан амалга оширилади. Томчилатгичдан сув томчилаб ёки майда оқим билан ерга тушади ва капилляр ҳамда гравитацион кучлар таъсири остида ҳаракатланиб ерни намиқтиради. Сув сарфи уни томчилатгич орқали берилиши ва сугоришнинг давомийлиги орқали тартибга солинади. Сугориш автоматлаштирилган бўлиши мумкин. Битта дарахт учун сугориш нормаси 60-100 л ни, сугоришлар орасидаги интервал эса, 1-6 суткани ташкил этади. Тупроқ типи ва мева тури учун, унинг нави ёки ёшига кўра томчилатгичга, сугоришнинг қанча давом этиши ва сув сарфи белгиланиши керак.



1-расм. Томчилатиб сугориш тизими.

Томчилатиб сугоришнинг афзалликлари:

- Тупроқдаги намликни оптимал даражада ушлаб турар экан, бу сугориш усули сувнинг қуёш ва шамолда буғланиб кетишига ҳам йўл қўймайди.

- Сув кераксиз жойдаги тупроқни, яъни ариқ ораларини ҳам намлантириш учун сарфланмайди ва илдииз атрофида намликнинг энг мақбул даражаси сақлаб қолинади.

- Сугоришнинг мазкур усулидан фойдаланилганда, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил бериши учун оптимал шароитлар яратилади.

- Мутахассисларнинг эътирофи этишича, томчилатиб сугоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини иқтисод қилишда намоён бўлади. Бунга сугориш режимининг ўзига хослиги, буғланишнинг пастлиги, обиҳаётнинг беҳуда оқиб кетмаслиги туфайли эришилади, албатта. Томчилатиб сугориш усулида экин турига қараб, 20%дан 80%гача сув тежаллади. Энг муҳими, томчилатиб сугорилганда тупроқ қотмайди. Натижада қўлмеҳнатига, культивация қилишга ҳам ҳожат қолмайди.

- Минерал ўғитнинг эритилган ҳолда берилиши эвазига эса унинг самарадорлиги бир неча баробарга ортиб, 50%гача иқтисод қилишга эришилади ҳамда ўсимлик озуқа моддалар билан яхши тўйинади.

- Ушбу усулда сугоришнинг асосий принципи шундан иборатки, сув ўсимликнинг фақат илдиизига борали. Сув ва ўғитлар бериш тартибини бошқариш ўсимликларнинг ўсишини тезлаштириш ёки секинлаштириш имконини беради.

- Узумчиликда сувни тежаш 45, боғдорчиликда 40, мева-сабзавотчиликда 35-45%ни ташкил қилади.

- Бунда экинлар ҳосилдорлигини ошириш кўрсаткичи 15-30%га етади.

- Сувнинг ташламага чиқиб кетиши мутлоқ тугатилиб, фаол қатлам остига сизиб кетиш миқдори кескин камайиши натижасида сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,98 га қадар ортади.

- Тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклаш ва ошириш учун сугориш суви билан минерал ўғитлар, микроэлементлар ва кимёвий мелиорантларни дозаланган миқдорда солишга эришилади.

Томчилатиб сугоришнинг камчиликлари:

- Томизгичларнинг сувдаги туз чўкмалари ва лойқа зарралари билан текилиб қолиши;

- Томчилатиб сугориш тизимни қуриш катта капитал маблағ талаб қилиши;

- Ҳайдаладиган экин майдонларида томчилатиб сугориш тизимини ҳар йили йиғиштириб олиш зарурлиги;

- Тизимни шўрланган ерларда қўллаб бўлмаслиги кабилар.

Ўсимликларни сув, озиқ моддалар ва бошқалар билан таъминлаш хусусияти тупроқнинг унумдорлигидир. Унумдор тупроқларда инсонга асосий озиқ-овқат маҳсулотларини берувчи қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ўстирилади. Ер фақат унумдорлик хусусияти туфайли қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситасига айланган.

Тупроқ унумдорлигининг энг муҳим омиллари:

- ўсимлик ривожланиши учун зарур озиқ моддалар ва улар турининг етарли миқдорда бўлиши;

- ўсимлик ўзлаштириши мумкин бўлган намнинг мавжудлиги;

- яхши тупроқ, аэрацияси;

- структура ҳолати ва тузилиши;
- заҳарли моддалар (кислота, ишқор, туз ва бошқалар) микдори;
- тупроқ реакцияси ва бошқалардан иборат [6].

Бу хусусиятлар йиғиндиси тупроқнинг маданийлашганлик ҳолати даражасини белгилайди. Унумдорликнинг барча элементлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу элементлардан бирортасининг ўзгариши бошқаларига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар хил ўсимликларнинг тупроқ унумдорлигига талаби турлича бўлганлиги сабабли ва ўсимлик биологиясига боғлиқ ҳолда бир тур ўсимлик учун унумдор ҳисобланган тупроқ бошқа тур учун унумдор бўлмаслиги мумкин.

Шу ўринда қишлоқ ҳўжалик экинларини суғориш тупроқдаги кимёвий жараёнларга ҳамда тупроқ структураси ва микроиқлимини ўзгаришига олиб келади. Суғоришга берилган сувлар хлоридлар, сульфатлар ва ҳоказолар каби зарарли тузларни ўсимлик илдиз қатлаидан тупроқнинг остки қатламига ювади [2].

Микроорганизмларнинг, шунингдек ўсимликларнинг интенсив фаолиятида тупроқ намлигининг оптимал шароитлари яратилиши керак.


Томчилатиб суғоришнинг тупроққа таъсири. Дала микроиқлимига энг фаол таъсир қиладиган воситалар тупроқнинг устки ва остки қатлам ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги, шамол энергияси ва радиация мувозанатидир. Суғориш таъсирида тупроқ ҳароратининг ўзгариши унинг иссиқлик қуввати ва иссиқлик ўтказувчанлигининг ўзгариши ҳамда тупроқ намлигининг буғланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари иссиқликнинг катта қисми қуруқ тупроқ юза қисмини иситишга, нам тупроқда эса намликнинг буғланишига сарфланади [7].

Суғориладиган ва суғорилмайдиган тупроқларда ҳарорат ўзгаришининг фарқи асосан кундузи қуёшли пайтда юза қисмида бўлади. Қуруқ тупроққа қараганда нам тупроқнинг иссиқлик қуввати юқори бўлади, кундизи секин аста исийди ва кечкурун совийди, натижада кундалик ҳарорат баланси тенглашади. Томчилатиб суғориш таъсири остида иссиқлик мувозанатининг ўзгариши остки қатлам ҳавоси ва илдиз зонаси тупроғининг юқори қисмидаги барча метеорологик элементларнинг фарқланишларини шакллантириш учун хизмат қиладди [5]. Томчилатиб суғориш тупроқ юзасидан 0-150 см баландлиқдаги ҳаво қатламидаги ҳарорат фарқларини тенглаштиришга олиб келади. Томчилатиб суғориш ҳаво ҳароратини диярли кечаю-кундуз вертикал кўриниши бўйича ўзгартиради. Мутлоқ намлик градиенти ортади. Кундузи, ўсимликларнинг вертикал ҳарорат градиенти 8-9 градусни, кечаси эса 6-8 градусни ташкил этади. Суғорилмайдиган ҳудудларда бундай фарқ биокимёвий жараёнларнинг тезлиги ва табиатига салбий таъсир кўрсатади, натижада сабзавот экинларининг унумдорлиги ва ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади. Суғориш билан ушбу фарқлар деярли бутунлай бартараф этилади.

Томчилатиб суғориш буғланишнинг сезиларли камайишига олиб келади. Томчилатиб суғориш даврида тупроқнинг сув режимида содир бўладиган ўзгаришлар асосан буғланиш режими ва тупроқ намлиги динамикасида кузатилади. Томчилатиб суғориш вақтида тупроқ намлигининг ортиши остки қатламдаги ҳаво намлигини оширади. Суғориладиган майдоннинг юқори қисмида ҳаво ҳаракати тезлиги заифлашади [2].

Суғориладиган ва суғорилмайдиган майдонлар микроиқлимидаги фарқлар ўсимликларнинг ўсиши билан фарқланади: суғориш даврида ўсимликларнинг янада кучли ривожланиши микроклиматга ижобий таъсир кўрсатадиган иккинчи

даражали омил бўлиб хизмат қилади. Узун бўйли, баргли ўсимликлар тупроққа кўпроқ соя солади, кундузги иссиқликни пасайтиради ва тунда иссиқлик йўқотилади.



А

Б

2-расм. Ўсимлик илдиз қатламининг ривожланиши.

Томчилатиб сугоришда бошқа ҳар қандай сугориш усулига нисбатан илдиз тизимлари яхши ривожланади ва томчилатгич яқинида улар зич жойлашади (2-расм (б)). Ўсимлик илдизи бошқа сугориш усулларида чуқурроққа намлик учун интилади (2-расм (а)). Бошқа сугориш усуллари ўрнига томчилатиб сугоришни қўллаганда илдиз тизими бунга тез ва фаол кўникади. Чунки, томчилатиб сугориш намлик ва озукани етказиб беришни осонлаштиради. Қолаверса, томчилатиб сугоришда дала эмас, парваришланаётган қишлоқ хўжалик экинларини сугоришни тасаввур қиламиз. Даланинг фақат экинларнинг илдизи атрофидаги қисмигина намланади (3-расм) [3].

Томчилатиб сугориш орқали ўсимлик талаб қиладиган сув ва озукка моддаларини ҳар бир ўсимликнинг илдиз тизимининг ривожланиш минтақасига беришдан иборат, бу эса, тупроқ фаол қатламида мақбул сув-физик, ҳаво ҳамда озукавий режимини таъминлашга имкон яратади [4].

Томчилатиб сугоришнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, тупроқнинг ўсимлик илдизлари жойлашган қатламида мақбул намлик даражаси узлуксиз таъминланади ва сугориш давомида тупроқ намлигининг ошиб кетиши ва сугоришлараро даврнинг охирида тупроқнинг минимал даражада кўриб қолиши кузатилмайди.

Натижада, далада бегона ўтларнинг камайиши кузатилади ҳамда уларга қарши кураш тadbирлари учун харажатлар ҳам камаяди. Қишлоқ хўжалик техникаларининг далага кириб чиқиши камайиб, тупроқ структураси ҳам яхши сақланади.



3-расм. Даланинг фаол қатлами намланиши.

Тупроқда намликнинг ошиб кетмасдан доимий сақланиб туриши яхши аэрацияни ва сугориш суви билан бирга минерал ўгитларнинг берилиши тупроқда қулай озуқа режимини таъминлайди. Мақбул сув, озуқа ва ҳаво режимларининг мавжудлиги ўсимликларнинг бир текисда ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, бу эса сезиларли даражада ҳосил сифатининг яхшиланиши ва ҳосилдорликнинг ортишига олиб келади.

Хулоса: Сугоришни кун давомида амалга ошириш, сугориш давомида сувни керагидан ортиқ, яъни чуқур шимилишига йўл қўйилмаслиги, тупроқда намлик оптимал даражада ушланиб турилиши, сув ресурслари ўсимлик турига қараб 20%дан 80%гача тежалди. мумкин. Энгмуҳими, томчилатиб сугорилганда тупроқ қотмайди. Натижада қўл меҳнатига, культивация қилишга ҳам ҳожат қолмайди. Бу усулда сугоришни амалга ошириш натижасида экинларнинг ҳосилдорлиги 15-30% етади. Сувнинг ташламага чиқиб кетиши мутлоқ тугатилди ва сувдан фойдаланиш коэффиценти 0,98 га қадар ортади. Бундан ташқари фермер хўжалигининг нетто майдони ҳам кенгайди, яъни, ортиқча ўқариқ, шоҳариқларни бўлмаслиги ҳисобига ҳам кўпаяди. Сугориш ишлари автоматик тарзда олиб борилганлиги сабабли ишчи кучи кам талаб қилинади. Сугорилган майдонда қатқалоқ ҳосил бўлишини олди олинади. Бу усулда сугоришни ноқулай рельефли жойларда ҳамда оби-ҳавонинг ўзгаришига қарамасдан амалга ошириш мумкин.

Томчилатиб сугориш ўсимликларнинг сув таъминоти ва уларнинг агроф-муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Сугориш жараёнида ўсимликнинг ривожланиши учун мақбул шароит яратилиши билан бир қаторда тупроқнинг структурасига салбий таъсир этмайди. Аксинча тупроқда ўсимлик учун мақбул аэрация муҳитини ҳосил қилади, тупроқ донаторлигига путур етказмайди, тупроқда ортиқча намлик йиғилиб қолиши олдини олишда анча қўл келадиган сугориш усулидир.

Томчилатиб сугориш орқали экинларни сугорганда, сиз экинларни яхшироқ ривожлантиришга эришинингиз, тупроқнинг умумий унумдорлигини камайтирмасдан кўпроқ ҳосил олишингиз мумкин.

Тақлиф: Томчилатиб сугориш усулини мураккаб рельефли шароитларда, оғир тупроқларда, катта нишабли ерларда, сув ресурслари кам ерларда ва кучли шамолли районларда қўллашни тавсия этамиз. Вахолангки бундай ерлар Республикамизда анчагина. Ҳозирги сув ресурслари кам бўлган шароитда бу усулдан фойдаланиб сув исрофини олдини олиш билан бирга қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишни тақлиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хамидов М.Х, Шукурлаев Х.И, Маматалиев А.Б "Қишлоқ хўжалиги гидротехник мелиорацияси" Тошкент 2008 й.
2. Аҳмедов Х. А. "Сугориш мелиорацияси" Ўзбекистон. Тошкент., 1997
3. Безбородов Г., Комилов Б., Эсонбеков М. Томчилатиб сугориш; қулай арзон, самарали. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент 2008
4. Л.А.Ғафурова С.А.Абдуллаев Х.Қ.Намозов "Мелиоратив тупроқшунослик" "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, Тошкент 2003.
5. Камилов Б.С., Хасанов М.М. Томчилатиб сугориш усулининг гўза ҳосилдорлигига таъсири. Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг 80 йиллигига бағишланган "Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция Тошкент 2009 й. 338-339 б.
6. Тўраев А.А. Қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда сувни тежовчи янги сугориш технологияларидан фойдаланиш. Тошкент 2003 й., 275 б.
7. Аҳмедов Х. А. "Сугориш мелиорацияси" Ўзбекистон. Тошкент., 1997.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ
JOURNAL OF AGRO PROCESSING

ОПРЕДЕЛЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ

Генжемуратов Сайлаубай

Старший преподаватель, кафедра "Мелиорация и водное хозяйство"

Нукусский филиал Ташкентского государственного аграрного университета

Генжемуратов Абдиқадир Сайлаубаевич

Магистрант, специальность "Гидромелиорация"

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

E-mail: abdiqadir.genjemuratov@mail.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Генжемуратов Сайлаубай, Генжемуратов Абдиқадир. ОПРЕДЕЛЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ. Journal of Agro processing. 2019, vol. 1, issue 1, pp. 16-20



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2019-1-3>

Келиб тушган сана 22 декабр, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2019.

АННОТАЦИЯ

В статье приведены расчетные формулы по определению технологических элементов при капельном орошении. Определены величина общего водопотребления где учитывается все элементы водного баланса, величины осадков в очаге увлажнения и суммарного испарения учитывающие биологической особенности культур, продолжительность водоподачи и площадь одновременного полива при капельном орошении.

Ключевые слова: капельное орошение, водный баланс, технология полива, посевная площадь, влажность, расход воды.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Генжемуратов Сайлаубай

Катта ўқитувчи, "Мелиорация ва сув ҳўжалиги" кафедраси

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Генжемуратов Абдиқадир Сайлаубаевич

Магистрант, "Гидромелиорация" мутахассислиги

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш мухандислари институти

E-mail: abdiqadir.genjemuratov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада экинларни томчилатиб сугориш технологияси элементларини аниқлаш хисобий формулалари, жумладан сув мувозанати баланси элементларини тулиқ хисобга олган холда экинларнинг ўмумий сув истеъмолини, намланиш учоғидаги ёгингарчилик ва ўсимликнинг биологик хусусиятларини эътиборга олувчи ўмумий бугланиш миқдорларини, сув бериш давомийлиги ҳамда бир вақтга сўғорилиши лозим бўлган экин майдонини аниқлаш формулалари келтирилган.

Калит сўзлар: томчилатиб сугориш, сув мувозанати, сугориш технологияси, экин майдони, намлик, сув истеъмоли.

DEFINATIONS OF TECHNOLOGICAL ELEMENTS OF DRIP IRRIGATION

Genjemuratov Saylaubay

Senior teacher, "Melioration and water management" department,
Nukus branch of the Tashkent State Agrarian University,

Genjemuratov Abdikadir Saylaubaievich

Master student, "Hydromelioration" speciality,
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,

Email id: abdiqadir.genjemuratov@mail.ru

ANNOTATION

The article provides calculation formulas for determining the technological elements under drip irrigation. The total water consumption is determined where all elements of the water balance are taken into account, the amount of precipitation in the source of moisture and total evaporation takes into account the biological characteristics of crops, the duration of water supply and the area of simultaneous irrigation with drip irrigation.

Key words: drip irrigation, water balance, irrigation technology, crop area, humidity, water consumption.

Принцип капельного орошения заключается в подаче требуемого растению количества влаги и питательных веществ непосредственно в корневой зоне каждого растения, что позволяет обеспечить оптимальный режимы почвы.

Идея капельного орошения основана на том, что расход воды орошаемым полем в единицу времени сравнительно невелик, поэтому при подаче воды в соответствии с этим расходом размеры элементов оросительной сети можно значительно уменьшить.

Основное преимущество капельного орошения заключается в непрерывном поддержании оптимального уровня влажности в корнеобитаемом слое почвы. При поддержании постоянной влажности почвы без переувлажнения обеспечивается хорошая аэрация. Вместе с поливной водой постоянно подаются удобрения, что позволяет поддерживать благоприятный питательный режим почвы. Создание оптимального водного, питательного и воздушного режимов обеспечивает, равномерный рост и развитие растений, что приводит к существенному увеличению урожаев и улучшению качества плодов.

Технология капельного орошения включает режим подачи воды в соответствии с водопотреблением культуры и технику полива. Для определения потребности в воде сельскохозяйственных культур необходима определить точного объема поливной воды в течении различных стадий развития культур.

Общее водопотребление сельскохозяйственных культур измеряется с величиной эвапотранспирацией. Эвапотранспирация складывается из испарении воды с поверхности почвы и транспирации из листьев растений.

После полива, пока поверхность почв все ещё влажная на уровень испарения в основном влияет климатические показатели: температура воздуха, влажность, солнечные лучи, ветер. По мере высыхания поверхности почв, уровень радиации значительно снижается. Когда культура прорастает и она покрывает значительную часть почвенной поверхности, тогда транспирация с поверхности листьев растений становится более значительным, чем испарение с поверхности почвы. На этой стадии главными определяющими факторами эвапотранспирации являются: биологические особенности культур и сортов, возраст растений, длительность вегетационного периода и плодородность почв.

Наиболее точным методом определения суммарного водопотребления является полевой опыт, где проводятся учеты всех элементов водного баланса. Наряду с этим предложены различные расчетные методы определения суммарного водопотребления.

Водопотребление сельскохозяйственных культур для капельного орошения определяется по формуле [2]:

$$E = W + P_{ув} - И - \Phi ; \quad \text{мм};$$

где: W – влагозапас в начале вегетационного периода, мм;

$P_{ув}$ - осадки в очаге увлажнения, мм;

$И$ - суммарное испарение при капельном орошении, мм;

Φ – фильтрация за пределы корневой системы растения (при капельном орошении $\Phi=0$).

Водопотребление рассчитывается за определенный интервал времени, водопотребление за вегетационный период соответствует оросительной норме.

Влагозапас определяется по формуле;

$$W = W_0 \cdot h ; \quad \text{м}^3/\text{га} \text{ или } \text{мм}$$

W_0 – влажность почвы от объема, в % ;

$$W_0 = W_v \cdot \alpha ;$$

W_v – влажность почв, от веса сухой почвы в % ;

α – объемная масса почвы, г/см³;

h α - активный слой почвы, см;

Осадки в очаге увлажнения определяется по формуле:

$$P_{ув} = 10 \cdot S \cdot \mu \cdot P ; \quad \text{м}^3/\text{га}$$

где: S – доля площади подлежащая увлажнению от общей площади питания растений;

$$S = \frac{n \cdot \Omega}{a \cdot e} ;$$

где: n – число капельниц под одним растением, шт;

Ω – площадь увлажнения одной капельницей, м²;

a – расстояние между растениями в ряду, м;

β - расстояние между рядами, м.

μ – доля осадков, попадающих под крону;

P – количество атмосферных осадков, мм;

I – величина суммарного испарения, мм;

$I=K \cdot t$; $\text{м}^3/\text{га}$

где: K – биофизический коэффициент, $\text{м}^3/\text{га}$ на 1°C ;

t – сумма среднесуточных температур за месяц или за декаду $^\circ\text{C}$;

Поливную норму определяем по формуле:

$m_{\text{нет}}=100 \cdot \gamma \cdot h \cdot S (\beta_{\text{ппв}} - \beta_{\text{ммв}})$; $\text{м}^3/\text{га}$

где: h - глубина расчетного слоя почвы, м;

γ – объемная масса почв, $\text{т}/\text{м}^3$;

$\beta_{\text{ппв}}$ - предельно- полевая влагоёмкость, % от массы сухой почвы;

$\beta_{\text{ммв}}$ - максимально-молекулярная влагоёмкость, % от масса сухой

почвы.

$\beta_{\text{ммв}} = \chi \cdot \beta_{\text{ппв}}$;

$\chi = 0,6-0,8$ -коэффициент предполивной влажности почвы в долях единиц.

Продолжительность водоподачи определяется по формуле [3]:

$$t = \frac{m_{\text{нет}}}{q_k \cdot n \cdot \eta}; \quad \text{час}$$

где: q_k – расход капельница, л/час;

n – число капельниц на 1 га;

η - коэффициент использования воды, равной $0,96 \dots 0,98$;

Площадь одновременного полива определяется по зависимости [3]:

$$F = \frac{F_m}{\Delta t_{\text{min}}}; \quad \text{га}$$

где: F_m – площадь модульного участка, га;

Δt_{min} - минимальный межполивной период, сут.

Выводы:

Капельное орошения является один из водосберегающим способом полива, которая экономия оросительной воды составляет $40 \dots 50$ % по сравнению с поверхностного способа орошения.

Принцип капельного орошения заключается в подаче требуемого растению количества влаги и питательных веществ непосредственно в корневой зоне каждого растения, что позволяет обеспечить оптимальный режим почвы.

Технология капельного орошения включает режим подачи воды в соответствии с водопотреблением культуры и технику полива. Для определения потребности в воде сельскохозяйственных культур необходима определить точного объема поливной воды в течении различных стадий развития культур.

Наиболее точным методом определения суммарного водопотребления является полевой опыт, где проводятся учеты всех элементов водного баланса. Создание оптимального водного, питательного и воздушного режимов обеспечивает, равномерный рост и развитие растений, что приводит к существенному увеличению урожаев и улучшению качества плодов.

Литературы:

1. Постановление Первого Президента Республики Узбекистан от 19 апреля 2013 года №ПП-1958 "О мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и по рациональному использованию водных ресурсов".
2. Ф.М. Рахимбаев., Х.И. Шукурлаев. Методические указания по проектированию системы капельного орошения., Ташкент, 1999г. -С. 66-67.
3. Справочник. Мелиорация и водное хозяйство. Орошение, под редакцией акад. Б.Б.Шумакова., Москва, 1990г.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ
JOURNAL OF AGRO PROCESSING

IMPORTANCE OF DRIP IRRIGATION IN DIVERSIFICATION OF LAND FUND

Azizov Shohruh Numonjon ugli

Assistant, "Irrigation and melioration " departament,
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,
Email id: azizov_shohrux@mail.ru

Mahsudov Muhammadbek Dilshodbek ugli

Master student, "Use and management land resources" speciality,
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,
Email id: muhammadbek.maxsudov@bk.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Azizov Shohruh, Mahsudov Muhammadbek. IMPORTANCE OF DRIP IRRIGATION IN DIVERSIFICATION OF LAND FUND . Journal of Agro processing. 2019, vol. 1, issue 1, pp. 21-26



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2019-1-4>

Келиб тушган сана 27 декабр, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2019.

ANNOTATION

This article focuses on the importance of saving water through drip irrigation in the area of land use diversification. In addition, the article discusses the use of water supply with drip irrigation. It is extremely important to use diverse lands for diversification, diversity in favor of positive changes, to effectively use all categories of lands. The article describes the water supply, the basic rules, opportunities, advantages and disadvantages of drip irrigation.

Key words: diversification, irrigated land, water supply, drip irrigation

**ВАЖНОСТЬ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ ПРИ ДИВЕРСИФИКАЦИИ
ЗЕМЕЛЬНОГО ФОНДА**

Азизов Шохрух Нуьмонжон угли

Ассистент, кафедра "Ирригация и мелиорация"
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства
E-mail: azizov_shohrux@mail.ru

Махсудов Мухаммадбек Дилшодбек угли

Магистрант, специальность "Использование и управление земельными ресурсами"
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства
E-mail: muhammadbek.maxsudov@bk.ru

АННОТАЦИЯ

В этой статье основное внимание уделяется важности экономии водных ресурсов за счет капельного орошения в области диверсификации землепользования. Кроме того, в статье рассматривается использование водоснабжения при капельном орошении. Крайне важно использовать разнообразные земли для диверсификации, разнообразие в пользу положительных изменений, эффективно использовать все категории земель. В статье описаны водоснабжение, основные правила, возможности, преимущества и недостатки капельного орошения.

Ключевые слова: диверсификация, орошаемых земель, водоснабжение, капельного орошения.

ЕР ФОНДИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ТОМЧИЛАБ СУГОРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Азизов Шохрух Нўмонжон ўгли

Ассистент, "Ирригация ва мелиорация" кафедраси

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

E-mail: azizov_shohrux@mail.ru

Махсудов Муҳаммадбек Дилшодбек ўгли

Магистрант, "Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш" мутахассислиги

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

E-mail: muhammadbek.maxsudov@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ердан фойдаланиш диверсификациясида томчилатиб сугориш орқали сув захираларини тежаб қолишнинг аҳамиятига бағишланган. Шунингдек, мақолада томчилатиб сугоришда сув таъминотини ишлатиш принциплари ҳақида гап борган. Мақолада сув таъминоти, томчилатиб сугоришнинг асосий қоидалари, имкониятлари, афзалликлари ва камчиликларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: диверсификация қилиш, сугориладиган ерлар, сув таъминоти, томчилатиб сугориш.

We are developing fast. In this situation, we should not abandon the new worldview, so as not to stop economic development. The growing number of people each year makes it necessary to prepare for the future.

It is extremely important to use diverse lands for diversification, diversity in favor of positive changes, to effectively use all categories of lands. When planning the diversification of the area, it is necessary to take into account water supply issues [2].

Drip irrigation in agricultural land is an effective way to save water. Drip irrigation will work for all crops if it is put into operation. The main task is to build infrastructure, for example, to find out how to do it.

Water Supply:

The first step in planning the system is to identify irrigated areas. You need to know what water resources are available to irrigate your land. It can be a water container, a well, a well, a drilled basin or an elevated bulk container.

Drip irrigation options:

- rapid and intensive digestion of nutrients by the plant due to the active development of the spatial root and good airflow in the soil;

- irrigation at any time of the day, irrespective of the field work in the field;

- the possibility of soil and plant processing and harvesting at any time, without damaging soil fertility due to non-irrigation of the line spacing [3].

Drip Irrigation Disadvantages:

- fill in the droplets with salt bubbles and clay particles in the water;
- damage to rocks by rodents;
- value;
- restrictions on application conditions of drip irrigation system.

Drip Irrigation Advantages:

- the use of relatively small amounts of water for a unit crop;
- irrigation water irrigation water supply to unnecessary evaporation of the irrigation area and the useless waste of the active layer against other irrigation methods;
- the effect of the wind power on the quality of irrigation;
- even under difficult ground conditions, the lack of water flow during the irrigation process is slowly flowing into the soil and spreading the moisture in the active layer;
- uniform uniform distribution;
- possibility of irrigation at any time, under any climatic conditions;
- early harvesting of agricultural crops when used in this method;
- fertigation
- this is the smallest amount of time between irrigation.



Figure 1. Structure of the drip irrigation system




Figure 2. Elements of the drip irrigation system

In case of drip irrigation, the plant root system is well developed compared to other irrigation methods [4].

Increase the amount of droppings by one hour of drip irrigation by multiplying the sprinklers by the amount of water flowing through each sprinkle per hour, and calculate the maximum possible number of pipes that will be connected to one pipe [1].

For each type of drip irrigation, its maximum length is given, which depends on the diameter of the intestines, the diameter, the distance between the tray and the water pressure. If you find a table of technical details, these problems will not harm you [5].

The most important aspect is to plan the plan and layout of the earthworks so that it is possible to easily and conveniently link irrigation [2].

The basic principles are that the laws of physics are applicable to you in nature, which we can not lie in any way. Therefore, if you follow the same rules, the irrigation system on your land parcel will work perfectly!

For each type of drip irrigation, its maximum length is given, which is dependent on the intestinal's diameter, the diameter, the distance between the drip tray and the water pressure. If you find a table of technical details, these issues will not hurt you.

Most of the problems described here do not disturb you if you do not have a lot of space. Nevertheless, when designing for irrigation, it is best to consider them. Calculate the maximum amount of water coming from the source of water.



Figure 3. Basic rules

Efficient utilization of drip irrigation system is underway in Altyaryk district of Fergana region. In particular, the population of the district can be represented as a standard for the use of the parcels of land belonging to them for the purposes of farming, to other districts of the country.

One example of our observations is that during the early spring, the population of the district is busy with the cultivation of cucumbers. At the same time, farmers and state-owned businesses will also start their activities. At this time, the water resources of the district are primarily assigned to those working with government orders.

For 4-5 years inhabitants of the district have begun to use the system of drip irrigation in cultivation of farming products in their farms. A typical example is the use of drip irrigation systems for the production of cucumbers, tomatoes, peppers, melons and leguminous crops. The benefits of drip irrigation can be seen in the cultivation of cucumbers. The use of water from the local arachnas will result in severe illness, lack of water, controversy in water dispersion, and irrigation time. As a result, the cucumber discharge season does not last long. 20-25 times the cucumber will be harvested, and income will only slightly increase the expense.

When using drip irrigation system, the situation is different. There is no rapid depression, no controversy caused by water dispersion, no irritation occurs, and mineral and local fertilizers can be added to the plant to the plant. After these processes, the plant's ability to survive is high, and it always flourishes. As a result, the cucumber discharge season lasts a long way. 60-80 times (some of our farmers are also bored with

cucumber excretion and up to 130 times) cucumber fruits are harvested, and earnings can be up to 10 times more than the expense.

In our country, drip irrigation is carried out throughout the country. According to the Ministry of Agriculture and Water Management of Uzbekistan, 18.5 thousand hectares of land will be used for drip irrigation, and 18.4 thousand hectares will be irrigated with flexible pipes. The method of film irrigation is applied to 16.3 thousand hectares.

The land lease agreement for the cultivation of fruit and vegetable, grape and melon products as of May 1, 2013 also includes the obligation to introduce other water-saving technologies for drip irrigation and irrigation.

References:

1. Serikbaev B.S., Baraev F.A. Irrigation systems. Tashkent .: Faylasuflar, 2013. - P, 43.
2. Turovov I.T., Namazav H.K. Land Registry. Tashkent.: Yangi asr avlodi, 2003. -P, 34.
3. Hamidov M.X., Shukurlayev X.I., Mamataliyev A.B. Agricultural hydrotechnical melioration. - Tashkent: Sharq, 2009. -P. 108.
4. Shukurlayev X.I., Mamataliyev A.B., Shukurlayeva R.T. Agricultural hydrotechnical melioration. - Tashkent: 2007. -P. 238.
5. Shukurlayev X.I., Mamataliyev A.B., Shukurlayeva R.T. Land reclamation and protection. -Tashkent: 2008. -P. 128.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

ЖАНУБИЙ МИНТАҚАЛАР ШАРОИТИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Абдуазимов Акбар Мухтарович

Қ/х.ф.д. Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали (ДДЭИТИ Қашқадарё филиали) илмий котиби

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Абдуазимов Акбар. ЖАНУБИЙ МИНТАҚАЛАР ШАРОИТИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ. Journal of Agro processing. 2019, vol. 1, issue 1, pp. 27-33



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2019-1-5>

*Келиб тушган сана 27 декабр, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2019.*

АННОТАЦИЯ

Қишлоқ хўжалик экинларини қисқа ротацияли алмашлаб ёки навбатлаб экишда оралик, дон, дуккакли дон экинлардан фойдаланишнинг суғориладиган ерларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишдаги асосий фойдали томонларидан бири-бу ерни узоқ вақт давомида узлуксиз ўсимликлар билан қопланиб турилиши бўлиб, бунда тупроқда органик қолдиқлар кўп тўпланиши эвазига унинг юзаси қизийди, бефойда йўқолаётган намлик камаяди, тупроқ кам шўрланади, эрозия жараёнларидан кам зарарланади ва қуриб қолмайди. Бундай натижага эса албатта қисқа ротацияли, янги гумус захирасини берадиган алмашлаб экишда асосий экин, такрорий ва оралик экинлар тўғри навбатлаб экишда эришиш мумкин.

Калит сўзлар: Тупроқ, алмашлаб экиш, унумдорлик, азот, фосфор, калий, ҳосилдорлик, гумус, бугдой, гўза.

ВЛИЯНИЕ НА ПЛОДОРОДИЕ ПОЧВ СМЕННОЙ СИСТЕМЫ ПОСЕВА В УСЛОВИЯХ ЮЖНЫХ РЕГИОНОВ

Абдуазимов Акбар Мухтарович

Қашқадарьинский филиал научно-исследовательского института зерна и зернобобовых культур (Қашқадарьинский филиал НИИЗЗБК)

АННОТАЦИЯ

Одна из основных и полезных сторон при сохранении и улучшении плодородия почв поливных зон с использованием промежуточных зерно-бобовых культур при повторном кратко ротационном или сменном посеве сельскохозяйственных культур - это непрерывное покрытие поверхности почвы растениями на протяжении длительного периода, в итоге чего нагревается поверхность почвы за счёт большого количества органических остатков, уменьшается испарение влаги, почва менее подвергается засолению, меньше подвергается воздействию эрозии и не засыхает. Конечно для достижения данного результата требуется правильный подход к смене основных, повторных и промежуточных культур при кратко ротационном посеве.

Ключевые слова: Почва, севооборот, производительность, азот, фосфор, калий, урожай, гумус, пшеница, хлопок.

INFLUENCE ON FERTILITY OF SOILS OF REPLACEABLE SOWING SYSTEM IN THE CONDITIONS OF THE SOUTHERN REGIONS

Abduazimov Akbar

Kashkadarya branch of the research institute of grain and leguminous crops (Kashkadarya branch RIGLC)
akbar.abduazimov@mail.ru

ANNOTATION

One of the main and useful sides while maintaining and improving soil fertility of irrigated zones using intermediate grain-leguminous crops with repeated briefly rotational or interchangeable sowing of agricultural crops is the continuous covering of the soil surface with plants over a long period, resulting in a large amount of organic residues, moisture evaporation decreases, the soil is less exposed to salinization, less exposed to erosion and does not dry out. Of course, to achieve this result, you need the right approach to changing the main, repeated and intermediate crops in a short rotational crop.

Keywords: Soil, crop rotation, productivity, nitrogen, phosphorus, potassium, harvest, humus, wheat, cotton.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитлари, қолаверса бу ўлкадаги қадимий дехқончилик тизими, халқларнинг миллий удумларини ўрганиш катта қизиқиш уйғотганлигини таъкидлаш лозим. Лекин шу билан биргаликда бу тадқиқотлар давомида Ўзбекистон тупроқларининг генезиси, эволюцияси ва хоссалари тўғрисида купгини назарий ва амалий ахамиятга молик натижалар қўла киритилган. Республикамиз суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тупроқ деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик ҳолатни талаб даражасида сақлаш ва барқарорлаштириш ҳамда табиий муҳофазаланишини ташкил қилиш бўйича мутахассислар олдида жуда муҳим вазифалар қўйилган.

Қишлоқ хўжалигида ердан унумли фойдаланишда асосан тупроқ структурасини ошириш билан бир қаторда, ҳар бир жойнинг тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда экинлар алмашлаб экилишини шундай жойлаштириш лозимки, унда ер майдони бутун вегетация давомида ўсимликлар билан қопланган ҳолда бўлишини таъминлаш зарур. Фақат шу ҳолатда табиат ресурсларидан ҳамда қуёш энергиясидан, иссиқликдан, намликдан ва тупроқ унумдорлигидан тўлиғича фойдаланган бўлаемиз.

Ўрта Осиёда асосан республикамызда йил давомида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш имконияти мавжуд. Ўзбекистон республикасининг турли иқлим шароитларида ва турли йилларда олиб борилган тажрибалар натижаларига қўра оралиқ экин сифатида жавдар, тритикале, кузги сули, қишга чидамли вика, хашаки кузги нухат, раис ва горчеца ўсимликларини ўстириш мақсадга муваффиқ [1].

Алмашлаб экиш тизимларида тупроқ унумдорлигининг ошиши яъни агрофизик, сув, сув-физик хоссалари ва микробиологик фаоллигининг орттишига олиб келган [3].

Суғориладиган ерларда ғўза-бугдой навбатлаб экиш тизимида сабзавот, тақрорий ва оралиқ экинлар иштирокида янги алмашлаб экиш тизимлари ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Кузги бугдой + тақрорий экин (мош) + оралиқ экин (тритикале) : ғўза + оралиқ экин (тритикале) : соя алмашлаб экиш тизимида дастлабки миқдорга қараганда гумус миқдори 0,024% ва азот миқдори 0,013%га

кўпайган. Кузги бугдой + такрорий экин (мош) + оралиқ экин (третикале) : соя : гўза вариантда ҳам ижобий ҳолат кузатилиб, гумус миқдори 0,012% ва азот миқдори 0,011%га орган [2].

Юқоридагилардан келиб чиққан холда Республикамизнинг жанубий вилоятлари шароитида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида қисқа ротацияли гўза-галла алмашлаб экиш тизимида оралиқ экинларни экиб синаб кўриш мақсадида тажрибалар олиб борилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари "Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур", "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари", "Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах", "Методика исследований с зернобобовыми культурами", "Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений" қўлланмалари асосида амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқот ишларидан олинган натижалар асосида бугдой-гўза алмашлаб экишда кузги бугдойдан кейин, кузги муддатда тажрибанинг иккинчи йил учун дастлабки тупроқ намуналари таҳлил қилинганда 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,69%, умумий азот миқдори 0,063 %, ҳаракатчан фосфор миқдори 22,4 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 322 мг/кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,61%, умумий азот миқдори 0,060 %, ҳаракатчан фосфор миқдори 16,7 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 270 мг/ кг ни ташкил этди (1-жадвал).

Тажрибанинг иккинчи йил якунида, гўза ҳосили териб олингандан кейин тупроқ намунаси таҳлил қилинганда 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,683% (-0,007%), умумий азот миқдори 0,059% (- 0,004%), ҳаракатчан фосфор миқдори 20,9 мг/кг(-1,5 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 311 мг/кг (-11 мг/кг) ни ташкил этди. Гўза экилган майдонларида қатор ораларига агрегатлар билан берилиши натижасида тупроқ гумусини парчаланишини тезлаштиради. Шунингдек, тупроқ гумусининг асосий таркибий қисми бўлган азот миқдорининг камайишига олиб келади. Тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдори ҳосил билан чиқиб кетиши натижасида камаяди. Тупроқдаги алмашинувчан калий ҳаракатланиш динамикаси яхши бўлганлиги сабабли ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклининг бир қисми ҳосил билан чиқиб кетса, қолган қисмлари сизот сувлари сатҳи яқин бўлганлиги сабабли пастга томон ювилиб кетиши тупроқ қатламларига ажратиб ўрганиш орқали аниқланди.

29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,61%, умумий азот миқдори 0,060%, ҳаракатчан фосфор миқдори 15,9 мг/кг (-1,5 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 264 мг/кг (-6,0 мг/кг)ни ташкил этди. Гўза қатор ораларига ишлов беришда культивация агрегати органларининг тупроқ қатламининг пастки қатламга етмаслиги сабабли гумус парчаланиши билан бир қаторда азот миқдорининг камайиши деярли кузатилмади.

1-жадвал

Алмашлаб экиш тизимининг тупроқ унумдорлигига таъсири

№	Вариантлар		Латлам, см	Дастлабки тупроқ таҳлили (шудгорлашдан олдин)				Эрим-теримдан кейин тупроқ таҳлили (10 октябрь)			
	2017 йил	2018 йил		Гумус, %	Азот, %	Харакатчан, мг/кг		Гумус, %	Азот, %	Харакатчан, мг/кг	
						Р	К			Р	К
1	Бўғдой	Ўғза	0-28	0,69	0,063	22,4	322	0,683	0,059	20,9	311
			29-42	0,61	0,06	16,7	270	0,61	0,06	15,9	264
2	Ўғза	Ўғза	0-28	0,71	0,064	21,3	320	0,7	0,058	19,4	310
			29-42	0,63	0,057	15,6	265	0,63	0,057	14,7	257
3	Бўғдой	Бўғдой	0-28	0,68	0,062	20,8	310	0,673	0,038	19,9	304
			29-42	0,65	0,059	15,8	263	0,63	0,038	15,3	254
4	Бўғдой (10 т гтнг) +мош+сидрат	Ўғза	0-28	0,72	0,067	23,4	338	0,723	0,068	23,6	342
			29-42	0,65	0,062	17,2	268	0,65	0,062	17,2	268
5	Бўғдой+мош+сидрат	Ўғза	0-28	0,71	0,065	22	325	0,715	0,067	22,1	330
			29-42	0,63	0,058	15,7	260	0,63	0,059	15,7	260
6	Бўғдой+мака+сидрат	Ўғза	0-28	0,71	0,065	22,6	320	0,71	0,064	22,6	325
			29-42	0,64	0,057	16,5	265	0,64	0,059	16,5	265
7	Бўғдой+бела	Ўғза	0-28	0,72	0,064	23,3	320	0,72	0,063	22,7	323
			29-42	0,65	0,06	16,8	265	0,65	0,06	16,8	265
8	Ўғза	Бўғдой+бела	0-28	0,69	0,063	21,4	350	0,69	0,065	20,9	344
			29-42	0,63	0,056	15,7	270	0,63	0,06	15,7	273
9	Бўғдой+бела	Ариш+бела	0-28	0,71	0,063	22,8	335	0,723	0,069	23	342
			29-42	0,64	0,06	16,4	271	0,643	0,066	16,4	272

Ўғза-ўғза монокультура алмашлаб экишда тажрибанинг биринчи йилда экилган ўғза ҳосили йиғиб олингандан кейин иккинчи йил учун дастлабки тупроқ намуналари таҳлили натижаларига кўра 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,71 %, умумий азот миқдори 0,064 %, харакатчан фосфор миқдори 21,3 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 320 мг/ кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,63 %, умумий азот миқдори 0,057 %, харакатчан фосфор миқдори 15,6 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 265 мг/ кг ни ташкил қилди.

Тажриба майдонида иккинчи йил учун экилган ўғза ҳосили олингандан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,70% (-0,01%), умумий азот миқдори 0,058% (-0,006%), харакатчан фосфор миқдори 19,4 мг/кг (-1,9 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 310 мг/кг(-10 мг/кг) ни ташкил этди. Бу вариантда бошқа вариантларга нисбатан озуқа моддаларининг кўпроқ камайиши сурункасига уч йил(лойиҳа тажрибасини ўғза экилган майдонга жойлаштирилган) мобайнида ўғза экилганлиги сабабли, юқорида такидлаганимиздек ўғза қатор орасига ишлов берилишида сабабли гумус миқдорига мос равишда азот миқдорининг камайиши кузатилди.

29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,63 %, умумий азот миқдори 0,057%, харакатчан фосфор миқдори 14,7 мг/кг (-0,9 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 257 мг/ кг(-8,0 мг/кг)ни ташкил этди. Бу қатламда ўғза парваришида озуқа моддалар ўзлаштирилиши сабабли тупроқдаги фосфор миқдорига салбий таъсир этди.

Бўғдой-бўғдой монокультура алмашлаб экишда тажрибанинг биринчи йил экилган кузги бўғдой ҳосили олиниб кузги шудгорлашдан олдин иккинчи йил учун дастлабки тупроқ намуналарининг таҳлили 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,68%, умумий азот миқдори 0,062%, харакатчан фосфор миқдори 20,8 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 310 мг/ кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,65%, умумий азот миқдори 0,059%, харакатчан фосфор миқдори 15,8 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 263 мг/ кг ни ташкил этди.

Бугдой ўримидан кейин кузги муддатда олинган тупроқ таҳлилларига кўра 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,673 % (-0,007%), умумий азот миқдори 0,058% (-0,004%), ҳаракатчан фосфор миқдори 19,9 мг/кг (-0,9 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 304 мг/кг(-6 мг/кг) ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,65%, умумий азот миқдори 0,058% (-0,01 %), ҳаракатчан фосфор миқдори 15,3 мг/кг (-0,5 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 254 мг/кг(-9,0 мг/кг)ни ташкил этди. Тупроқдаги озуқа моддалари ҳосил билан олиб чиқиб кетиши натижасида камайганлиги аниқланди.

Бугдой+10 т/га гўнг+такрорий экин сифатида мош - гўза 10 т/га гўнг қўлланилган алмашлаб экиш биринчи йили 10 т/га гўнг қўлланилиб, кузги бугдой ҳамда такрорий экин сифатида мош экин ҳосилидан кейин дастлабки тупроқ намуналари таҳлили 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,72%, умумий азот миқдори 0,067%, ҳаракатчан фосфор миқдори 23,4 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 338 мг/кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,65%, умумий азот миқдори 0,062%, ҳаракатчан фосфор миқдори 17,2 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 268 мг/кг ни ташкил этди.

Иккинчи йил экилган гўза ҳосили териб олингандан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,723% (+0,003 %), умумий азот миқдори 0,068 % (+0.001%), ҳаракатчан фосфор миқдори 23,6 мг/кг(+0,2 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 342 мг/кг (+4 мг/кг) ни ташкил этди. Ушбу вариантда биринчи йили 10 т/га гўнг (N-42%, P-1,8% ва K-53%) қўлланилиб, кузги бугдойдан кейин мош(мош тупроққа N-60 кг/га, P-25 кг/га ва K-70 кг/га қолдиради) экилганлиги сабабли иккинчи йил гўзадан кейин тупроқ таркибидаги гумус ва NPK миқдори юқорилиги аниқланди.

29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,65%, умумий азот миқдори 0,062%, ҳаракатчан фосфор миқдори 17,2 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 268 мг/кг ни ташкил этди. Пастги қатламда тупроқ таркибида озика моддалар камайганлиги кузатилди. Тупроқда тўпланадиган биомасса(2,0-2,5 тонна) такрорий экин мош ҳисобига иккинчи йил гўза экилган тупроқда гумус ва азот миқдори сақланиб қолиши аниқланди.

Биринчи йил бугдой, такрорий экин мош, оралиқ экин сидерат -иккинчи йил гўза экилган вариантда сидерат экини экишдан олдин шудгорлаш даврида олинган дастлабки тупроқ намуналари таҳлили натижаларида 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,71%, умумий азот миқдори 0,065%, ҳаракатчан фосфор миқдори 22,0 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 325 мг/кг ни ташкил этди. Бу қатламда биринчи йил дастлабки тупроқ намуналари таҳлиliga нисбатан гумус ва NPK миқдори ошганлиги аниқланди.

29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,63%, умумий азот миқдори 0,058%, ҳаракатчан фосфор миқдори 15,7 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 260 мг/кг ни ташкил этди. Ушбу қатламдаги тупроқлар таркибида гумус ва озика моддалар тупроқ таҳлилида ортанлиги аниқланди.

Иккинчи йил асосий экин гўза ҳосили териб олингандан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,715 % (+0,005 %), умумий азот миқдори 0,067 % (+0,002%), ҳаракатчан фосфор миқдори 22,10 мг/кг(+0,1 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 330 мг/кг(+5 мг/кг) ни ташкил этди. Сидерат экинлари мош сингари тупроқда (14,3 тонна) кўк масса қолдириши аниқланди. Шу боис биринчи йил тупроқда кўп миқдорда биомасса тўпланиши натижасида иккинчи йил гўза экилганда ҳам озика моддалар сидерат экинлар ҳисобига ошганлиги аниқланди.

29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,630 % (0,0%), умумий азот миқдори 0,059 % (+0,001 %), харакатчан фосфор миқдори 15,70 мг/кг (0,0 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 260 мг/кг (0,0 мг/кг) ни ташкил этди. Ҳайдалма ости қатламда гумус ва озиқа моддалар баланси ўзгармаганлиги аниқланди.

Бугдой, такрорий экин сифатида маккажўхори ва оралиқ экин сифатида сидерат - гўза алмашлаб экишда такрорий экин маккажўхори ҳосидан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,71 %, умумий азот миқдори 0,065 %, харакатчан фосфор миқдори 22,6 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 320 мг/кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,64 %, умумий азот миқдори 0,057 %, харакатчан фосфор миқдори 16,5 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 265 мг/кг ни ташкил этди.

Оралиқ экин сидерат - асосий экин гўзадан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,71 % (0,0%), умумий азот миқдори 0,066 % (+0,001%), харакатчан фосфор миқдори 22,60 мг/кг (0,0 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 323 мг/кг (+3 мг/кг) ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,640 % (0,0%), умумий азот миқдори 0,059 % (+0,002 %), харакатчан фосфор миқдори 16,5 мг/кг (0,0 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 265 мг/кг (0,0 мг/кг) ни ташкил этди. Тупроқнинг унумдор қатламларда дастлабки тупроқ таҳлилига нисбатдан гумус ва NPK миқдори оралиқ экин сидерат ҳисобига баланс ҳолатда бўлиши аниқланди.

Баҳорги бугдой+беда - гўза алмашлаб экишда бугдой+бедадан кейин дастлабки тупроқ намуналари таҳлили 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,72 %, умумий азот миқдори 0,064 %, харакатчан фосфор миқдори 23,3 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 320 мг/кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,65 %, умумий азот миқдори 0,060 %, харакатчан фосфор миқдори 16,8 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 265 мг/кг ни ташкил этди.

Гўза ҳосили йиғиштириб олингандан кейин кузги муддатда 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,72 %, умумий азот миқдори 0,063 % (-0,001 %), харакатчан фосфор миқдори 22,7 мг/кг (-0,6 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 323 мг/кг (+3 мг/кг) ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,650 %, умумий азот миқдори 0,062 % (+0,002 %), харакатчан фосфор миқдори 16,80 мг/кг (0,0 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 265 мг/кг ни ташкил этди. Гўза экилган бу вариантда озиқа моддаларининг баланси деярли ўзгармаганлиги биринчи тажриба йилида беда ўсимлиги экилганлиги ҳисобигадири.

Гўза - бугдой+беда алмашлаб экишда гўзадан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,69 %, умумий азот миқдори 0,063 %, харакатчан фосфор миқдори 21,4 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 350 мг/кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,63 %, умумий азот миқдори 0,056 %, харакатчан фосфор миқдори 15,7 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 270 мг/кг ни ташкил этди.

Бедадан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,69 %, умумий азот миқдори 0,065 % (+0,002%), харакатчан фосфор миқдори 20,90 мг/кг (-0,5 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 344 мг/кг (-6 мг/кг) ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,630 % (0,0%), умумий азот миқдори 0,060 % (+0,004 %), харакатчан фосфор миқдори 15,70 мг/кг (0,0 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 266 мг/кг (-4 мг/кг) ни ташкил этди. Тупроқнинг унумдор қатламида беда ризосферасида туғунак ҳосил қилади, шунингдек туғунаклар ўзида азот тўловчи бактерияларни тўплайди ва шу боис тупроқда азот тўпланади.

Бахорги бугдой+беда - арпа+беда алмашлаб экишда бедадан кейин 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,71 %, умумий азот миқдори 0,063 %, ҳаракатчан фосфор миқдори 22,8 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 335 мг/кг ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,64 %, умумий азот миқдори 0,060 %, ҳаракатчан фосфор миқдори 16,4 мг/кг, алмашинувчан калий миқдори 271 мг/ кг ни ташкил этди.

Беда кўк массаси ўриб олингандан кейин кузги муддатда 0-28 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,723 % (0,013%), умумий азот миқдори 0,068 % (0,005 %), ҳаракатчан фосфор миқдори 22,40 мг/кг(-0,4 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 330 мг/кг(-5 мг/кг) ни, 29-42 см тупроқ қатламдаги гумус миқдори 0,643 %(+0,003%), умумий азот миқдори 0,061% (+0,001 %), ҳаракатчан фосфор миқдори 16,40 мг/кг (0,0 мг/кг), алмашинувчан калий миқдори 272 мг/ кг(+1 мг/кг)ни ташкил этди. Икки йил давомида тупроқнинг унумдор қатламида кўп миқдорда биомасса қолиши, яъни юқорида тақидлаб ўтканимиздек беданинг илдиз тизими ҳисобига гумус ва азот ҳосил бўлиши аниқланди. Икки йил мобайнида бугдой+беда - арпа+беда бир майдонга экиш тупроқ унумдорлигини оширишда энг оптимал вариант ҳисобланади.

Хулосалар:

1. Икки йиллик тадқиқотлар натижаларига кўра, назорат вариантлари, яъни гўза-гўза, бугдой - бугдой ва бугдой - гўза навбатлаб экиш тизимида дастлабки тупроқ намуналари таҳлиliga нисбатан 0-42 см тупроқ қатламларда гумус -0,005 %, N -0,007 %, P₂O₅ -2,3 мг/кг ва K₂O - 16,6 мг/кг га камайиши аниқланди.

2. Таҷриба тизимидаги назорат гўза - гўза, бугдой - бугдой ва бугдой - гўза вариантларига нисбатан бугдой+маккажўҳори+сидерат - гўза ва бугдой+беда - гўза вариантларида дастлабки тупроқ намуналари таҳлиliga нисбатан 0-42 см тупроқ қатламларда гумус, азот, фосфор ва калий баланс ҳолати ўзгармаганлиги кузатилди.

3. Тупроқ унумдорлигини оширишда (бугдой+беда)+(арпа+беда), бугдой (10 тонна гўнг)+мош - гўза, бугдой+мош+сидерат - гўза ва гўза - бугдой+беда навбатлаб экишда тупроқ қатламларида ўртача гумус 0,005 %, N 0,003 %, P₂O₅ 0,1 мг/кг ва K₂O 5 мг/кг га ортанлиги аниқланди.

4. Бугдой+беда - арпа+беда навбатлаб экиш вариантнинг 0-42 см тупроқ қатламида ўртача гумус миқдори 0,008 %, N 0,006 %, P₂O₅ 0,3 мг/кг ва K₂O 4 мг/кг га ортанлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Романов Х.С., Мирзажонов К.М., Талибулин Р.Т. Выращивание сои. -Ташкент., Мехнат, - 1990.-112 с.

2. Холиқов Б.М., Намозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Тошкент. 2016.

3. Холиқов Б., Иминов., Якубов.Ф. Муттасил бугдой етиштирилган далаларда тупроқ унумдорлиги ва дон ҳосилдорлиги//Agro ilm, 2010.-№2.- Б.-24-25.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ
JOURNAL OF AGRO PROCESSING

**ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА НАМУНАЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ САРИҚ
ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

Файзуллаев Абдулла Зоҳиджон ўғли

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали(ДДЭИТИ Қашқадарё филиали) таянч докторанти

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Файзуллаев Абдулла. ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА НАМУНАЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ. Journal of Agro processing. 2019, vol. 1, issue 1, pp. 34-37



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9904-2019-1-6>

Келиб тушган сана 27 декабр, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2019.

АННОТАЦИЯ

Ташқи муҳитнинг бошқа омилларига чидамли навларни танлаш, яратиш ва яратилган навларни ҳар томонлама юқори ҳосил берадиган навларни турли тупроқ иқлим шароитларида ўрганиш мақсадида буғдойнинг занг касалликларга чидамлилигини ва ҳосилдорлик кўрсаткичларини аниқлаш учун илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилди.

Калит сўзлар: Занг касаллиги, раса, чидамлилик, нав, иқлим, ҳосилдорлик, ташқи муҳит, спора, андоза нав, намуна.

**ОЦЕНКА УСТОЙЧИВОСТИ УРОЖАЙНОСТИ СОРТОВ И ОБРОЗЦОВ
МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ К БОЛЕЗНИ ЖЁЛТОЙ РЖАВЧИНЫ**

Файзуллаев Абдулла

Кашкадарьинский филиал научно-исследовательского института зерна и зернобобовых культур (Кашкадарьинский филиал НИИЗЗБК)

АННОТАЦИЯ

Научно-практические исследования проводились с целью определения показателей урожайности и устойчивости к ржавчинным болезням путём отбора сортов пшеницы устойчивых к другим внешне - климатическим факторам, создание и изучение созданных сортов по высокой урожайности в разных почвенно - климатических условиях.

Ключевые слова: Болезнь ржавчины, раса, устойчивость, сорт, климат, урожайность, внешняя среда, спора, шаблонный сорт, образцы.

EVALUATING THE TOLERANCE OF SOFT WHEAT SORTS AND SAMPLES AGAINST YELLOW RUST EPIDEMIC

Fayzullaev Abdulla

Kashkadarya branch of the research institute of grain and leguminous crops (Kashkadarya branch RIGLC)
uz_abduln@mail.ru

ANNOTATION

Annotation: There were organized several researches on evaluating the rate of the productivity and tolerance of the wheat against yellow rust epidemic, selecting durable sorts to the external climate conditions, creating new sorts which are suitable to the standards.

Key words: Rust epidemic, rasa, tolerance, sort, climate, productivity, external conditions, spore, local check, samples.

Кириш.

Хозирда занг касалликларга чидамли навлар яратиш, бу бугдой селекциясининг ўта мухим асосий вазифаларидан биридир. Айниқса сўнгги йилларда занг касалликларининг эпифитотиялари Республикамининг галла майдонларига жуда катта зарар етказмоқда, оқибатида эса, галлачиликда дон ҳосилдорликка ва сифат кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатиши кузатилмоқда. Бу эса етиштирилладиган ҳосилга ва фермерлар даромадига катта зиён келтирмоқда.

Бугдой селекциясида касалликларга чидамли навларни яратиш асосий мақсадлардан биридир. Чунки, кейинги йилларларда касалликларини янги расаларини пайдо бўлиши, кўпайиши ва бу касалликлар тоғли зоналарга яқин галла майдонларга жойлашиб, кейинчалик катта майдонларда зарари кузатилмоқда.

Айрим навлар районлаштириш учун давлат нав синовига берилгандан сўнг ўзининг янги расалар занг касалликларига нисбатан чидамлилигини йўқотади. Навларнинг касалликка чидамлилиги барқарор эмас, чунки расалар таркиби доимий равишда мутацияга учраши ёки эволюция натижасида янги расалар пайдо бўлаверади. Касалликни олдини олишнинг усуллари бу чидамли навлар экиш энг самарали, ҳам иқтисодий ҳам агроф муҳитга таъсири жиҳатдан ишончли йўл ҳисобланади[1, 2].

Материал ва услублар. Тажрибалар ўсимликшунослик ИТИ карантин зонасида юмшоқ бугдой агроэкологик кўчатзориди ўрганилаётган 50 та нав ва намуналарнинг дала шароитида сунъий касаллантириш майдончасида сунъий касаллантирилди ва касалланиш даражаси ўрганилди ва баҳоланди.

Тажрибада нав ва намуналарнинг касалликларга чидамлилиги кобб ва манерс шкаласи бўйича баҳоланиб борилди. Занг касалликларига чидамлилиги барг юзасининг зарарланишига кўра 4 гуруҳга бўлиб ўрганилди[3].

0 - бунда ўсимликка занг споралари умуман кузга ташланмаганда.

R - чидамли - бунда ўсимлик барг юзасида занг споралари жуда кам миқдорда бўлади аммо касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлганлиги кузатилади.

MR - ўртача чидамли - бунда ўсимлик барг юзасининг 5-10 % қисмида споралар кўзга ташланади, аммо занг споралари қотиб, касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлганлиги кузатилади.

MS - ўртача берилувчан - бунда ўсимлик барг юзасининг 10-50 % қисмида споралар кўзга ташланади.

S - берилувчан - бунда ўсимлик барги ёки бутунлай танасини занг споралари қоплаганда.

Тажрибада республиканинг катта майдонларига экилиб келинаётган Краснодарская-99, Яксарт, Фозгон ҳамда Бунёдкор навлари андоза сифатида танлаб олинди.

Натижа ва таҳлиллар. Натижаларга кўра тажрибада униб чиқиш фазасида нав ва намуналар ўртасида фарқ кузатилмади. Тажриба кўчатзоридида экилган нав ва намуналар 25 октябрда тўлиқ майса бўлиб униб чиқди. Нав ва намуналар ўртасида туплашиш ва найчалаш фазасида ҳам худди униб чиқиш фазасидек катта фарқ кузатилмади.

Фаллачиликда олимлар таъкидлаганидек униб чиқиш-бошоқлаш даври ҳосилдорликни юқори бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Юқорида келтирилганидек бугдой навлари қанча эрта бошоқласа гуллаш ва дон тўлиш даври шунча эрта бошланади. Урганилаган тажриба натижаларига кўра навларнинг тўлиқ бошоқлаш фазаси 26 апрел 2 май кунларида қайд қилинди. Униб чиқиш-бошоқлаш даври эса 183-189 кунни ташкил этганлиги аниқланди. Натижаларга кўра эрта бошоқлаш фазасига кирган UZ23FAWIR-43, UZ15PC-277, UZ15PC-266, UZ15PC-295, UZ23FAWIR-11 намуналар 183 кунни KRBW17-6, KRBW17-12 ҳамда KR15-9808 намуналари 184 кунни ташкил этиб, андоза Бунёдкор навидан 1-2 кун фарқ билан эртачи бошоқлаш фазасига кирганлиги аниқланди.

Тажрибада пишиш даври таҳлил қилганда навларнинг пишиш даври 10-17 июн кунлари кузатилди. Униб чиқиш-пишиш даври эса 228-235 кунни ташкил этди. Нав ва намуналар орасидан KRBW17-6, KRBW17-10 ҳамда UZ15PC-295 намуналари 226-227 кунни, UZ23FAWIR-11, KR15-9808, KRBW17-1, KRBW17-12 ҳамда UZ23FAWIR-37 намуналари 228 кунни ташкил этган бўлса, қолган барча нав ва намуналарнинг бошоқлашгача бўлган даври ҳамда ўсув даври давомийлиги андоза Бунёдкор навидан кечроқ бошланганлиги аниқланди.

1-жадвал.

Нав ва намуналарнинг қимматли белги-хусусиятлари

№	Нав номи	Бошоқлашгача бўлган, кун	Ўсув даври, кун	Сариқ занг касаллигига чидамлилиги	Ҳосилдорлик, ц/га
1	Краснодар-99	186	229	100S	32,1
2	Яксарт	186	231	30MS	42,1
3	Бунёдкор	185	228	20MR	44,7
4	UZ23FAWIR-11	183	228	10MR	52,1
5	Фозгон	187	233	R	54,4
6	UZ15PC-295	183	226	R	55,8
7	UZ15PC-266	183	229	R	58
8	UZ23FAWIR-30	186	230	10MR	60,8
9	KRBW17-4	186	229	R	62,1
10	UZ23FAWIR-43	183	230	R	62,6
11	UZ23FAWIR-37	185	228	R	65,3
12	KRBW17-2	185	231	R	67,7
13	KRBW17-1	185	228	R	68,1
14	UZ15PC-282	187	231	10MR	69,9
15	KRBW17-12	184	228	20MR	70,4
16	KR15-9808	184	228	10MR	71,2
17	KRBW17-10	189	227	10MR	73,2
18	UZ15PC-170	189	233	R	75,3
19	KRBW17-6	184	227	20MR	76,1

Ҳосилдор, касалликларга чидамли бўлган навлар яратиш бугдой селекцияси дастурларининг асосий вазифаларидан бири бўлмоқда. Чунки кейинги йилларларда янги занг касалликларини рассаларни кўпайиши ва бу касалликлар тоғли зоналарга яқин галла майдонларга жойлашиб кейинчалик катта майдонларга таъсир кўрсатишидир. Шунингдек навларни чидамлилиқ даражаси билан бирга ҳосилдорлик хусусиятлари ҳам ўрганишни тақозо этади.

Агроэкологик нав синаш кўчатзоридида нав ва намуналарнинг сариқ занг касаллигига чидамлилигини ўрганганимизда, бунда андоза навлар сифатида фойдаланилган "Краснодарская-99" нави сариқ занг касаллигига ўта берилувчан бўлиб Маннерс ва Кобб шкаласи бўйича 80 % даражада касаллик билан зарарланиб 100S шкаласида белгиланди.

Бундан ташқари андоза навлардан Яксарт навида сариқ занг касаллиги билан 30MS, Бунёдкор нави20MR, Ҳозгон R даражада касаллик билан зарарланиш кузатилди.Тажрибадаги 21 та намуналарда сариқ занг касаллигини споралари иммун ҳолатида сақланди (0%), бу намуналар сариқ занг касаллигининг кўзгатувчиларига ўта чидамли бўлиб, ушбу нав ва намуналар ҳозирда республикамизда мавжуд занг касалликлари ирқларига чидамлидир. Нав ва намуналар орасидан 9 та намуна эса сариқ занг касаллиги билан 5-10 R даражасида зарарланди, бунда сариқ занг касаллигига чидамли генлар билан бошқарилиши кўзатилади.Тажрибадаги қолган нав ва намуналар сариқ занг касаллигининг касалланиш даражада юқори бўлиб спораларнинг жадаллиги кузатилди. Агроэкологик нав синаш кўчатзоридидаги чидамли бўлган нав ва намуналарни селекциянинг кейинг босқичларида синаш учун тавсия этилди.

